

Кредитни сўндириш мақсадида валютани конвертация қилиш ва автоматик тарзда жисмоний шахс ҳисобварағидан пул маблағларини якка тартибдаги тадбиркор ҳисобварағига ўтказиш операцияларини амалга ошириш бўйича

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент ш.

«___» _____ 2025 й.

Мазкур ҳужжат «Капиталбанк» АТБ (бундан кейин «Банк» деб номланувчи)нинг расмий таклифи (оммавий оферта) ҳисобланиб, Банк номидан ҳаракат қилувчи Бошқарув Раиси Маевский К.Л. бир томондан, ва мазкур оммавий офертани ҳеч қандай шартлар, истиснолар, чекловларсиз тўлиқ ҳолда қабул қилган (акцептлаган), Банкда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган жисмоний шахс (бундан кейин «Мижоз» деб номланувчи) иккинчи томондан, мазкур Оммавий офертани кредитни сўндириш мақсадида туздилар.

Мижознинг мазкур Оммавий оферта билан назарда тутилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши, унинг қуйида келтирилган барча шартлар билан (ҳеч қандай шартлар, истиснолар, чекловларсиз тўлиқ ҳолда) сўзсиз рози эканлигини билдиради.

Мазкур Оммавий оферта билан назарда тутилмаган барча ҳолатларда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк ва Мижоз ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек одатлар ва ишбилармонлик қоидаларига мувофиқ иш юритадилар.

1. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур Оммавий офертада (шартномада) қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Мижоз – якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида рўйхатдан ўтган, банк олдидаги кредит бўйича қарздорлигини сўндириш мажбуриятини ўзига олган ва Банкда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган жисмоний шахс.

Тўлдириш суммаси – ЯТТ кредитини сўндириш операцияларини амалга ошириш мақсадида жисмоний шахс томонидан банкоматга кириш қилинган нақд пул маблағлари миқдори.

Банкомат – «Капиталбанк» АТБ мулки ҳисобланган, банк ходими иштирокисиз пул маблағларини бериш ва қабул қилиш учун, шунингдек нақд пул маблағларидан фойдаланиб кредитларни сўндиришга мўлжалланган автоматик қурилма.

Депозит ҳисобварағи – Жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, яъни Мижознинг биринчи талаби биланоқ бериладиган миллий ва/ёки хорижий валютадаги пул маблағлари ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи.

ЯТТ ҳисобварағи – Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)нинг Банк олдидаги қарздорлигини сўндиришга мўлжалланган, ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги махсус банк ҳисобварағи.

Акцепт ҳақида ариза (Ариза) – Мижознинг Оммавий оферта шартларини сўзсиз ва автоматик тарздаги розилиги.

Конвертация – Валюта курси бўйича хорижий валютани миллий валютага сотиб олиш бўйича операция, шунингдек хорижий валютани миллий валютага сотиш бўйича операция.

Хорижий валюта – АҚШ доллари.

Миллий валюта – ўзбек сўми.

Валюта курси — мазкур Оммавий оферта доирасида конвертация операцияларини амалга ошириш учун Банк томонидан хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан

ўрнатилган расмий айирбошлаш курси. Валюта курси ҳар доим мазкур Оммавий оферта доирасида доирасида операциясини амалга ошириш пайтига «KAPITALBANK.ONLINE» мобил иловасида валюта-айирбошлаш операциялари учун қўлланиладиган курс билан тенг бўлади.

1.2. Оммавий офертада белгиланмаган атама ва таърифлар, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда, уларнинг сўзма-сўз (том) маъноси ва жумланинг контекстидан келиб чиққан ҳолдаги талқинида қўлланилади.

II.ОММАВИЙ ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк мазкур Оммавий оферта шартларига мувофиқ, Миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш, шунингдек Хорижий валютани миллий валютага конвертация қилиш ва конвертация қилинган маблағларни ЯТТ кредитини сўндириш учун Мижознинг Депозит ҳисобварағидан ЯТТ ҳисобварағига автоматик тарзда ўтказиш бўйича операцияларни амалга оширади.

2.2. Банк ўз номидан, аммо Мижоз топшириғи ва маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни амалга оширади:

А) Банк банкоматларига киритилган миллий валютани хорижий валютага Мижознинг хорижий валютадаги Депозит ҳисобварағига конвертация қилиш, шунингдек, ушбу пул маблағларини мазкур Оммавий оферта билан назарда тутилган шартларда хорижий валютадаги Депозит ҳисобварағидан автоматик тарзда ЯТТ ҳисобварағига ўтказиш;

Б) Банк банкоматларига киритилган хорижий валютани миллий валютага Мижознинг миллий валютадаги Депозит ҳисобварағига конвертация қилиш, шунингдек, ушбу пул маблағларини мазкур Оммавий оферта билан назарда тутилган шартларда миллий валютадаги Депозит ҳисобварағидан автоматик тарзда ЯТТ ҳисобварағига ўтказиш;

2.3. Оммавий офертанинг 2.2. банди («А» хатбошиси)га мувофиқ хорижий валютадаги депозит ҳисобидан ЯТТ ҳисобварағига, шунингдек Оммавий офертанинг 2.2. банди («Б» хатбошиси)га мувофиқ миллий валютадаги депозит ҳисобидан ЯТТ ҳисобварағига пул маблағларининг автоматик тарзда ўтказилиши, фақатгина ЯТТ ҳисобварағи якка тадбиркор сифатидаги Мижознинг ўзига тегишли бўлсагина амалга оширилади. Мижознинг Депозит ҳисобварағидан пул маблағларини бошқа шахсга тегишли бўлган ЯТТ ҳисобварағига ўтказиш таъқиқланади.

2.4. Оммавий офертанинг 2.2. банди («А» ва «Б» хатбошиси)га мувофиқ пул маблағларининг автоматик тарзда ўтказилиши, Банк томонидан пул маблағларини Мижознинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида олинган кредитини кредитни қайтариш графигига мувофиқ тўлаш (сўндириш) учун акцептсиз равишда ЯТТ ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш (ундириш) мақсадларида амалга оширилади.

III.ОММАВИЙ ОФЕРТАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ *(Оммавий оферта акцепти)*

3.1. Банк сайтида ушбу Оммавий оферта матнининг эълон қилиниши (жойлаштирилиши) ушбу Оммавий офертани акцепт қиладиган Мижозларга қаратилган оммавий таклиф (оферта) ҳисобланади.

3.2. Мижоз Банкоматда «Оферта шартлари билан розиман» дарчасида белги қўйиш йўли билан Аризани имзолаш орқали Оммавий офертани акцептлайди.

3.3. Ушбу билан, Мижоз шунинг тасдиқлайдики, Мижознинг мазкур Оммавий офертанинг 3.2 бандида назарда тутилган тартибда Аризани имзолаши Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган ҳисобланади ҳамда Мижоз учун амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ қоғоз ҳужжатга қўлда шахсан қўйилган имзо билан бир хил юридик оқибатларни келтириб чиқаради.

3.4. Мазкур Оммавий офертанинг Мижоз томонидан акцептланиши (тасдиқланиши, қабул қилиниши) қуйидагиларни англатади ва тасдиқлайди:

- Томонлар ўртасида Мижоз – якка тартибдаги тадбиркорнинг кредитини пул маблағларини конвертация қилиш орқали сўндириш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича Шартнома тузилганлигини;

- Пул маблағларини конвертация қилиш ва Мижознинг Депозит ҳисобварағидан ЯТТ ҳисобварағига ўтказиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун Мижознинг Банкка топшириғини, бунда конвертация мазкур Оммавий оферта доирасидаги операцияни амалга ошириш кунига «Kapitalbank» мобил иловасида валюта-айирбошлаш операциялари учун қўлланиладиган курс бўйича амалга оширилади;

- Киритилган пул маблағларини конвертация қилиб, ЯТТ ҳисобварағига ўтказиш учун пул маблағларини Мижознинг депозит ҳисобварағидан, ва кредит шартномаси бўйича қарздорликни сўндириш учун зарур миқдордаги пул маблағларини ЯТТ ҳисобварағидан Банк томонидан акцетсиз равишда ҳисобдан чиқаришилишига Мижознинг сўзсиз ва чақириб олинмайдиган розилигини.

3.5. Мижоз томонидан акцептланган мазкур Оммавий оферта Томонлар ўртасида тузилган, Пул маблағларини конвертация қилиш орқали мижознинг кредитини сўндириш бўйича хизматларни кўрсатиш тўғрисида Шартнома ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилигига амал қилган ҳолда, Томонлар ушбу Оммавий оферта акцепти ва Пул маблағларини конвертация қилиш орқали мижознинг кредитини сўндириш бўйича хизматларни кўрсатиш тўғрисида Шартнома қоғоз ҳужжатдаги имзоланган шартнома билан тенглаштирилишини тан оладилар, ва у билан бир хил ҳуқуқий кучга эга эканлигини тасдиқлайдилар, ҳамда уни Томонлар муҳр ва/ёки имзо билан тасдиқлашини талаб этмайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мижознинг мажбуриятлари:

4.1.1. Банкда очилган депозит ҳисобига эга бўлиш;

4.1.2. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши ва ЯТТ ҳисобварағига эга бўлиш;

4.1.3. Тўлдириш суммасини Банкоматга жисмоний кириш қилиш;

4.2. Мижознинг ҳуқуқлари:

4.2.1. Мазкур Оммавий офертанинг амалга оширилган акцептидан, Банкка қоғоз шаклидаги тегишли ёзма ариза тақдим этиш орқали воз кечиш. Бироқ кўрсатилган аризани тақдим этиш пайтида, Мижозда Банк олдида кредит бўйича муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги лозим.

4.2.2. Кўрсатилган хизмат сифати бўйича даъво аризасини хизмат кўрсатилган кундан кейинги 30 (ўттиз) календарь кунидан кечикмасдан Банкка тақдим этиш.

4.3. Банк қуйидагиларга ҳақли:

4.3.1. Қуйидаги ҳолларда Оммавий офертани акцепт қилишни рад этиш:

- Оммавий офертани тузишдан мақсад, жиноий фолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадларида операцияларни амалга ошириш деб шубҳа/гумон мавжуд бўлганда;

- акцепт пайтига Банкда техник ёки бошқа имконият мавжуд бўлмаганда;

- Мижозда хорижий валютада Депозит ҳисобварағи мавжуд эмаслиги (агар кредит миллий валютада берилган бўлса) ёки миллий валютада Депозит ҳисобварағи мавжуд эмаслиги (агар кредит хорижий валютада берилган бўлса);

- Мижозда ЯТТ ҳисоб рақами мавжуд эмаслиги;

- Мижоз якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган бўлса;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

4.3.2. Ушбу Оммавий офертага Мижозлар ва бошқа шахсларни олдиндан хабардор қилмаган ҳолда бир томонлама ўзгартишлар киритиш. Барча ўзгаришлар Банк сайтида эълон қилинади ва сайтда жойлаштирилган пайтдан бошлаб кучга киради.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу Оммавий оферта бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шартларни бузган Томон амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўлади.

5.2. Томонлар мазкур Оммавий оферта бўйича ўз мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун, агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари томонидан қабул қилинган ва томонларнинг мазкур Оммавий оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар сингари мазкур Оммавий оферта тузилгандан кейин юзага келган ҳолатлар, шунингдек, ҳар икки тарафнинг иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар (электр энергиясининг мавжуд эмаслиги, станциялар оралиғидаги алоқа узилишлари ва Интернет тармоғи провайдерларининг айби билан телекоммуникация алоқасининг йўқлиги ва ҳ.к.) натижасида юзага келган бўлса, Томонларнинг ҳеч қайси бири жавобгарликка эга бўлмайди.

5.3. Агар Томонлар музокара йўли билан келишувга эриша олмасалар, ушбу Оммавий офертадан келиб чиқиши мумкин бўлган ёки келиб чиққан барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ёки даъволар суд идоралари ваколатлари ҳамда юрисдикциясининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда судда ҳал қилинади.

VI. ОММАВИЙ ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу Оммавий офертанинг амал қилиш муддати чекланмаган.

6.2. Ушбу Оммавий офертанинг амал қилиши Банкнинг ўз ихтиёрига кўра исталган вақтда тўхтатилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу ҳақда тегишли хабарнома Банк сайтида эълон қилиниши орқали амалга оширилади.

VII. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Агар ушбу Оммавий офертанинг қайсидир қоидаси (банди) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ноқонуний ва/ёки ҳақиқий бўлмай қолган ҳолатда, бундай қоида (банд) Томонлар ўртасидаги муносабатларда қўлланилмайди ва Оммавий офертада мавжуд дастлабки мақсадларга максимал мос келувчи янги қоида (банд) билан алмаштирилади. Оммавий офертанинг қолган қоидалари тўлиқ кучини ва ҳақиқийлигини сақлаб қолади.

7.2. Ушбу Оммавий офертада назарда тутилмаган барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амал қиладилар.

7.3. Ушбу Оммавий оферта ўзбек тилида ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

VIII. МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАР

«КАПИТАЛБАНК» АТБ

Тошкент ш.,

Юнусобод тумани, Сайилгоҳ, 7.

х/в 29802000000001088001

МФО: 01088.

СТИР: 207127843.
Тел.: 200-15-15, 200-16-16